

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

**Қарши шаҳри**

**2024 йил 3 январь**

Қарши туманлараро иқтисодий судининг судьяси А.Қодиров раислигида, судья ёрдамчиси А.Норқобиловнинг котиблигида, даъвогар вакили А.Хуррамов (ишончнома асосида) иштирокида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар “Ўзмиллийбанк” АЖ манфаатида жавобгар – “AVTOKLASS” МЧЖ ва қўшимча жавобгар “ORIGINAL TRADE GROUP” МЧЖларнинг гаровга қўйилган мол-мулки ҳисобидан 1 855 550 269 сўм муддатли кредит асосий қарзи, 10 065 724,74 сўм муддатли кредит фоизи, 22 451 981 сўм муддати ўтган кредит қарзи, 821 397 136,61 сўм муддати ўтган кредит фоизи, 753 750 066,92 сўм узайтирилган кредит фоизи жами 3 463 215 178,27 сўм кредит қарздорлигини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни суд биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**аниқлади:**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар “Ўзмиллийбанк” АЖ (бундан буён матнда – даъвогар деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “AVTOKLASS” МЧЖ (бундан буён матнда – жавобгар деб юритилади) қўшимча жавобгар “ORIGINAL TRADE GROUP” МЧЖ (бундан буён матнда – қўшимча жавобгар деб юритилади)ларнинг гаровга қўйилган мол-мулки ҳисобидан 1 855 550 269 сўм муддатли кредит асосий қарзи, 10 065 724,74 сўм муддатли кредит фоизи, 22 451 981 сўм муддати ўтган кредит қарзи, 821 397 136,61 сўм муддати ўтган кредит фоизи, 753 750 066,92 сўм узайтирилган кредит фоизи жами 3 463 215 178,27 сўм кредит қарздорлигини ундиришни сўраган.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган даъвогар вакили даъво аризада келтирилган важларни қўллаб-қувватлаб, суд кунига қадар жавобгар томонидан кредит қарздорликлар тўланмаганлигини билдириб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар ва Палата ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисига келмади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда – ИПК деб юритилади) нинг 128, 170-моддасига асосан суд ишни уларнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд, даъво аризасида келтирилган ҳолатларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабларини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.



Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида 2019 йил 17 июль куни 2019/1-43-сонли кредит шартномаси имзоланган бўлиб, шартнома шартларига кўра, даъвогар жавобгарга Хитой давлатидан, Хитой давлатининг 3 дона Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган Sinotruk русумли ўзи ағдаргич автотранспорт воситасини сотиб олиш учун 22 фоиз устама тўлаш шarti билан 60 ой муддатга 12 ой имтиёзли давр билан, 1 950 000 000 сўм миқдоридан кредит ажратиши, жавобгар эса белгиланган муддатда кредит қарздорлигини тўлаш мажбуриятини олган.

Кредит шартномаси бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида 2019 йил 17 июлда нотариал тартибда тасдиқланган ипотека шартномасига асосан, қўшимча жавобгар "ORIGINAL TRADE GROUP" МЧЖга тегишли бўлган Нишон тумани, Пахтазор ҚФЙ, Юлдуз кўрғонида жойлашган "Савдо мажмуаси ва 60-сонли АЁҚШ" биноси ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга, ҳамда 2021 йил 22 январда нотариал тартибда тасдиқланган гаров шартномасига асосан, жавобгар "AVTOKLASS" МЧЖга тегишли бўлган 3 дона SINOTRUK HAWO ZZ3251 русумли ранги оқ давлат рақами 70 113 AAA бўлган автотранспорт воситаси, SINOTRUK HAWO ZZ3251 русумли ранги оқ давлат рақами 70 118 AAA бўлган автотранспорт воситаси ва SINOTRUK HAWO ZZ3251 русумли ранги оқ давлат рақами 70 119 AAA бўлган автотранспорт воситалари банкка гаровга қўйилган.

Даъвогар кредит шартномаси шартларини тўлиқ бажариб жавобгарга кредит маблағларини тўлиқ ўтказиб берган. Лекин, жавобгар кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш графигини бузиб, кредитнинг асосий қарзи ва фоизларини тўламасдан келган.

Натижада ушбу низо келиб чиқиб, Палата даъвогарнинг манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Даъво таблари асослидир. Чунки:

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК)нинг 744-моддасига мувофиқ, кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини, қонунчиликка мувофиқ кредит ташкилотлари бўлмаган тижорат ташкилотларининг кредитлашни амалга оширишига йўл қўйилган ҳолларда кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалар бундай тижорат ташкилотлари амалга оширадиган кредитлаш муносабатларига нисбатан қўлланади. Агар ушбу қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у кредит шартномасининг моҳиятидан келиб чиқмаса, кредит шартномаси муносабатларига нисбатан ушбу қоидалари қўлланади.



ФКнинг 734-моддасига асосан агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юримдик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади. Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномаси билан белгиланади.

ФКнинг 735-моддасига кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

ФК 736-моддасининг иккинчи қисмига кўра, агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақлилиги қайд этилган.

ФКнинг 279-моддасига кўра, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундипувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгап бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий (хўжалик) суди Пленумининг "Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сон қарорининг 23-бандига кўра, ундирувни гаров нарчасига суд тартибида қаратишда суднинг қарорида гаровдаги мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга кўра, иқтисодий судларга бериладиган мулккий хусусиятга эга даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдоридан, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи тўланиши лозим.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

Юқоридагиларга кўра суд жавобгар "AVTOKLASS" МЧЖ ҳисобидан 1 855 550 269 сўм муддатли кредит асосий қарзи, 10 065 724,74 сўм муддатли кредит фоизи, 22 451 981 сўм муддати ўтган кредит қарзи, 821 397 136,61 сўм муддати ўтган кредит фоизи, 753 750 066,92 сўм узайтирилган кредит фоизи жами 3 463 215 178,27 сўм кредит қарздорликни ва олдиндан тўланган почта харажатини ундиришни, ундирувни гаровдаги мол-мулкларга қаратишни жавобгар ҳисобидан



Республика бюджетига 69 264 304 сўм давлат божи ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-180, 186-192-моддаларини қўллаб, суд

**қ а р о р   қ и л а д и:**

Даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар “AVTOKLASS” МЧЖ ҳисобидан даъвогар “Ўзмилийбанк” АЖ фойдасига 1 855 550 269 сўм муддатли кредит асосий қарзи, 10 065 724,74 сўм муддатли кредит фоизи, 22 451 981 сўм муддати ўтган кредит қарзи, 821 397 136,61 сўм муддати ўтган кредит фоизи, 753 750 066,92 сўм узайтирилган кредит фоизи жами 3 463 215 178,27 сўм кредит қарздорлиги ва олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ундирув 2019 йил 17 июлда нотариал тартибда тасдиқланган ипотека шартномасига асосан, қўшимча жавобгар “ORIGINAL TRADE GROUP” МЧЖга тегишли бўлган Нишон тумани, Пахтазор ҚФЙ, Юлдуз қўрғонида жойлашган “Савдо мажмуаси ва 60-сонли АЁҚШ” биноси ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга;

2021 йил 22 январда нотариал тартибда тасдиқланган гаров шартномасига асосан, жавобгар “AVTOKLASS” МЧЖга тегишли бўлган 3 дона SINOTRUK HAWO ZZ3251 русумли ранги оқ давлат рақами 70 113 AAA бўлган автотранспорт воситаси, SINOTRUK HAWO ZZ3251 русумли ранги оқ давлат рақами 70 118 AAA бўлган автотранспорт воситаси ва SINOTRUK HAWO ZZ3251 русумли ранги оқ давлат рақами 70 119 AAA бўлган автотранспорт воситаларига қаратилсин.

Жавобгар “AVTOKLASS” МЧЖ ҳисобидан Республика бюджетига 69 264 304 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш мумкин.

**Судья**

**А.Қодиров**

